

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХУЖАНОВ ЭРКИН БЕРДИЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ФИЗИК
ТУШУНЧАЛАРНИ СТАТИСТИК МЕТОД АСОСИДА
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
докторской философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Хужанов Эркин Бердиевич Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш	3
Хужанов Эркин Бердиевич Формирование физических понятий у учащихся общеобразовательных школ на основе статистического метода	23
Khujanov Erkin Berdievich Formation of physical concepts in secondary school pupils on the basis of a statistical method	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХУЖАНОВ ЭРКИН БЕРДИЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ФИЗИК
ТУШУНЧАЛАРНИ СТАТИСТИК МЕТОД АСОСИДА
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped387 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Джораев Махматрасулжон**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қаххоров Сиддиқ Қаххорович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Эшчанов Баходир Худайбергенович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz)

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-71; факс: (+998) 71-246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

М.М.Арипов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

М.Тўхтасинов
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълимида аниқ ва табиий фанларни ўқитиш сифатини оширишнинг педагогик имкониятларини, хусусан, физика ўқитишни амалий-тадқиқий мазмун билан бойитиш, методик асосларини физиканинг замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. XXI асда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланди¹. Бу эса узлуксиз таълим тизимида педагоглар, жумладан, физика ўқитувчилари касбий-методик тайёргарлик даражасини сифат жиҳатдан ошириш, ўқитиш жараёнида статистик методдан самарали фойдаланиш имкониятини ошириш заруратини талаб этади.

Дунё миқёсида ўқувчиларнинг физикадан эгаллаган билимларини белгиловчи муҳим мезон сифатида мантиқий, эҳтимолий-статистик, креатив тафаккур тарзи билан боғлиқ сифатлар муҳим аҳамият касб этиб, ушбу соҳада инновацион ёндашувга асосланган тадқиқот ишларини олиб бориш тақозо этилмоқда. Мазкур тадқиқотлар ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, табиий-илмий дунёқарашини ривожлантириш, статистик фикрлашни, статистик метод асосида фанга оид компетенцияларни шакллантириш, ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни масала ечиш ва лаборатория ишларини бажаришда фаол қўллаш олиш каби вазифаларнинг педагогик-психологик ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан, таълим тизимини ривожлантириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ўқув лабораторияларни ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим тизими олдидаги устувор вазифалардан бири «чет тиллар, информатика, математика, физика, кимё, биология фанларини чуқур ўрганишга эътибор қаратган ҳолда ихтисослаштирилган синф ва мактабларни яратиш амалиётини кенгайтириш усули билан мактабларда таълим сифатини тубдан яхшилаш»²дан иборат бўлиб, бу борада умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқитишда эҳтимолий-статистик тасаввурларни шакллантиришнинг дидактик ва методик имкониятларини ошириш, уларнинг услубий таъминотини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06/19/5712/3034-сон.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5313-сонли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори³ ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият-ни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада физика ўқув предметини ўқитишда ўқувчиларда эҳтимолий-статистик тушунчаларни шакллантириш муаммолари М.Джораев, И.Зоҳидов, О.Қодиров, А.Худойбергано, Г.Умарова, физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари С.Қаҳҳоров, М.Қурбонов, Ю.Маҳмудов, Б.Нуриллаев, Х.Маҳмудова, Б.Саттарова, О.Тигай, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари А.Ибраймов, Т.Шоймардонов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

МДХ давлатларида эса А.А.Пинский, Ю.М.Панаргин, Г.Я.Мякишев, Л.В.Тарасов, Т.Г.Шаповаленко, Д.Т.Нгуен, В.О.Шурухин, Н.Г.Блохиналар томонидан статистик қонуниятлар асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштириш моҳияти очиб берилган.

Ривожланган хорижий давлатларда физика таълим мазмуни ва методикасини такомиллаштириш масалалари К.Юути, D.Si, D.Muller, C.Bataner, C.Makrides ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Таҳлилларга кўра физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, мактаб ўқувчиларида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тизимли таҳлил этилмаган. Бу эса, умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг амалий фаолиятида статистик методдан фойдаланиш масаласини атрофлича тадқиқ этиш лозимлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида, ИТД-А-1-26 рақамли «Узлуксиз таълим тизимида физика ўқитишни

³ Ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Физика, математика, информатика, биология, география, кимё. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори. – Тошкент, 2017.

эхтимолий-статистик ғоя ва тушунчаларни шакллантириш асосида такомиллаштириш ва унга оид услубий қўлланма тайёрлаш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқув предметини ўқитиш жараёнида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш ва ривожлантириш механизмини такомиллаштириш, тегишли мавзулар мазмунига қўшимчалар ҳамда ўзгартишлар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

статистик методдан фойдаланиб ўрганиладиган билимларнинг ўқувчилар ижодкорлик қобилияти ҳамда табиий-илмий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни ва ролини аниқлаш;

атом тузилиши ва молекуляр-кинетик назария асосларини ўқитишда зарурий тушунчаларнинг мазмуни илмийлик ва изчиллик тамойиллари асосида такомиллаштириш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

ўқувчиларда физика фанига оид компетенцияларни статистик метод асосида шакллантириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим босқичида физика ўқув предмети ўқув дастурлари, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларнинг мазмуни такомиллаштиришга қаратилган услубий ишланмаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида физикани статистик метод асосида ўқитиш жараёни белгиланиб, тажрибасинов ишларига Тошкент шаҳри, Сирдарё, Наманган ва Тошкент вилоятлари умумий ўрта таълим мактабларидан жами 504 нафар ўқувчилар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактабларида физикани статистик метод асосида ўқитиш мазмуни, методлари, шакллари, воситалари ва технологияларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ишнинг мақсади ва вазибаларига қаратилган кузатиш, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, анализ, синтез, индукция, дедукция, тест, анкета-сўров, суҳбат, математик-статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда фанга оид компетенциялар таркиби (физик жараён ва ходисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш; тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш; физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш) эҳтимоллар назарияси ва математик статистика (тасодифий ходиса, муқаррар ходиса, эҳтимолликнинг статистик ва геометрик таърифи)га оид элементларни киритиш асосида аниқлаштирилган;

физика фани мазмуни эҳтимолий-статистик тушунчалар (статистик метод, статистик қонуният, статистик система, термодинамик мувозанат, диффузия, хаос, микроҳолат, макроҳолат)нинг ўзаро интегратив хусусиятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

физика ўқитиш жараёнида статистик усуллардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг мантиқий мушоҳада юритиш (анализ, синтез, аналогия, умумлаштириш) кўникмалари ва амалий билимларни шакллантиришнинг дидактик имкониятлари (мотивацион, когнитив, рефлексив) фанлараро боғлиқлик асосида такомиллаштирилган;

ўқув материаллари орасидаги боғлиқликни узвийлик, яхлитлик, системалилик, тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари асосида кенгайтириш ва ишлаб чиқиш орқали физикани статистик усулдан фойдаланиб ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти (ўқув қўлланма ва методик қўлланма) мазмунан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

физиканинг статистик метод асосида ўрганиладиган бўлимлари ўқув мазмунини такомиллаштириш, физик тушунчаларни шакллантириш бўйича умумий ўрта таълим мактаблари учун кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

узлуксиз таълим тизимида физика ўқув предметини ўқитиш жараёнида эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчалардан фойдаланиш бўйича «Узлуксиз таълим тизимида физика ўқитишни статистик метод асосида такомиллаштириш» номли услубий қўлланма яратилган ва амалиётга жорий этилган;

физиканинг модда тузилиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар, иссиқлик ҳодисалари, молекуляр физика ва термодинамика, атом ва квант физикаси элементларини ўқитишда статистик методни қўллаган ҳолда машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммонинг ечимини топишда педагогик ва психологик тамойилларга амал қилинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида статистик метод асосида физика ўқитиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-методик муаммонинг тадқиқотда қўйилган вазифалар даражасида ҳал қилинганлиги, шунингдек, ўқитиш жараёнида унинг аҳамияти ва зарурияти очиб берилганлиги ҳамда тадқиқотда илгари сурилган эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчалардан физика ўқитиш методикаси бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқитишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, ўқув дастурлари, методик ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш, физика ўқитиш жараёнида статистик метод асосида физик тушунчаларни шакллантириш,

дарс машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикасини такомиллаштириш, ўрганилган билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилишида ўз аксини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш бўйича келтирилган илмий-методик ва амалий таклифлар асосида:

ўқувчиларда фанга оид компетенциялар таркиби, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика элементлари, физика фани мазмуни эҳтимолий-статистик тушунчаларнинг ўзаро интегратив хусусиятларига кўра таклиф ва тавсияларидан ЁА5-ХТ-1-31884 рақамли «Инновацион технологиялар шароитида физика ўқитувчисини методик тайёргарлигини шакллантириш усуллари» (2014-2015 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 сентябрдаги 89-03-3327-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг физик тушунчаларни статистик метод асосида ўрганишга бўлган қизиқишларини кенгайтиришга ва таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

физика ўқитиш жараёнида статистик усуллардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг мантиқий мушоҳада юритиш кўникмалари ва амалий билимларни шакллантиришнинг дидактик имкониятларига доир таклифлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сонли буйруғи билан тасдиқланган «5110200-Физика ва астрономия ўқитиш методикаси» бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 сентябрдаги 89-03-3327-сон маълумотномаси). Мазкур талаб ва тавсиялар асосида ўқув фан дастурлари ишлаб чиқилиб, талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга имконият яратилган;

ўқув материаллари орасидаги боғлиқликни узвийлик, яхлитлик, системалилик, тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари асосида кенгайтириш ва ишлаб чиқиш орқали физикани статистик усулдан фойдаланиб ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти мазмуни умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълимининг «Физика ва астрономия» фани бўйича Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда ҳамда дарсликлардаги мавзуларнинг ёритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 26 апрелдаги 01/11-01/6-909-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар ўқувчиларда ўрганилган билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари санаб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Умумий ўрта таълим мактабларида статистик методнинг аниқ ва табиий фанларни ўқитишда қўлланилиши**» деб номланган биринчи бобида статистик қонуниятлар тўғрисидаги тасаввурларнинг зарурияти ва физика ўқитишдаги аҳамияти, табиий фанларда қўлланилиши, физика ўқитишда эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчаларни фанлараро боғланиш асосида шакллантириш масалалари тизимли ёритилган.

Статистик тушунча ва методлар физикага XIX асрнинг ўрталарида, молекуляр-кинетик ғоялар мукамал физик назарияларга айлана бошлаган даврда кириб келган. Бу даврга қадар статистик методлар социологияда кенг ишлатилиб келинган бўлса ҳам физикада фақатгина экспериментларда олинган натижаларнинг ўлчаш хатоликларини ҳисоблаш жараёнларидагина қўлланилган. Статистик қонуниятларнинг физика фани учун аҳамияти Р.Клаузиус, Ж.Максвелл, Л.Больцман, Ж.Гиббс, А.Эйнштейн, М.Смолуховский ва бошқа олимларнинг молекуляр-кинетик назарияга оид ишларидан кейин тўла намоён бўлди.

Статистик методнинг физика ва бошқа фанларга кириб келиш жараёни билан ўқувчиларнинг танишишлари уларнинг ўқув предметида бўлган қизиқишларини янада ошишига хизмат қилади. Физикада моддани ташкил этган зарраларнинг ҳаракат қонуниятлари, хусусиятлари ўрганилаётганда кўп сонли зарралар (атом ва молекулалар) системаси билан иш олиб борилади. Шу билан бир қаторда ушбу зарралар кўзга кўринмаслиги ва механика қонунлари (динамик қонуниятлар)га бўйсунмаслиги туфайли, уларнинг физик хусусиятларини, ҳаракат қонуниятларини тавсифлаш учун статистик қонуниятлар қўлланилади.

Табиатдаги барча ҳодиса ёки жараёнларнинг юзага келиши ҳақида олдиндан аниқ (бир қийматли) башорат қилишнинг имкони йўқ. Шу сабабли табиий ҳодисалар икки турдаги қонуниятларга бўйсунди. Бири олдиндан башорат қилиш имконини берса, бошқаси эса бунга имкон бермайди. Биринчиси динамик, иккинчиси статистик қонуниятлар деб аталади.

Бизга маълум бўлган барча ҳодиса ва жараёнлар зарурият ҳамда тасодифий характерларга эга бўлганлиги сабабли статистик метод табиий фанлар (кимё, биология, география)ни ўрганиш ва ўқитиш жараёнида кенг қўлланилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида табиий фанларни ўқитишда статистик кузатув, ўрганилаётган объектларни гуруҳлаш, статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш, статистик катталикларни график, жадвал ёки матн кўринишида тасвирлаш каби усуллардан фойдаланиш таълим самарадорлигининг ошишига имкон беради.

Физиканинг бошқа ўқув предметлари билан интеграциясини амалга ошириш қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

табиий-илмий билимларнинг диалектик бирлиги асосида табиат ҳақида ягона қарашни шакллантириш;


ўрганилган билимларни тизимлаштириш;

ўқувчиларда табиат ҳодисалари, тушунчалар, назариялар орасида ҳар томонлама боғланиш борлигини тасаввур қилиш кўникмасини шакллантириш;

ўзаро боғланишларни билимларни чуқурлаштиришга йўналтириш;

ўқитишнинг политехник йўналишини кучайтириш ва бошқалар.

Фанлараро боғланишлар деганда физика ва бошқа ўқув предметларини ўқитиш жараёнида ўқувчилар онгида турли предметларга тегишли тушунчалар, олдин ва кейин ўқитиладиган ўқув предметлари мавзулари орасидаги ўзаро узвийлик ва боғланишлар йиғиндиси тушунилади (1-расм).



1-расм. Фанлараро боғланишларни амалга ошириш йўллари

Фанлараро боғланишлардан фойдаланиб билимларни мустаҳкамлаш ўзлаштирилган билимларнинг тўлиқ, чуқур ва пухта бўлишига замин яратади.

Ўқувчилар 6-синфда физик тушунчаларни статистик қонуниятлар ва методлар асосида ўрганишни бошлайдилар. Математикадан эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага оид мавзулар тўлалигича физикада ўрганиладиган статистик қонуниятларнинг моҳиятини асослаб бера олмаслиги яққол кўзга ташланади. Масалан, тасодифий ҳодисалар ва уларнинг эҳтимоллиги ҳақида тушунча математикада 11-синфда ўқитилади, физикада эса тасодифий ҳодиса, эҳтимоллик тушунчаси 6-синфда қўлланилади. Ўқувчилар математик тасаввур ва тушунчаларга эга бўлмасдан, физик тушунчаларни тўлақонли ўзлаштира олмайди. Шунинг учун математика фани дастурларини физика билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Диссертацияда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида молекуляр ва квант физикасига оид тушунчаларни эҳтимолий-статистик ғоя ва тушунчалар асосида шакллантириш учун педагогик назариянинг қуйидаги тамойил ва қоидаларига таянилди: статистик тасаввурлар ва уларни ривожлантириш тамойили; молекуляр ва квант физикаси бўлимларини ўқитишнинг узлуксизлиги, изчиллиги ва мунатазамлилиги тамойили; эҳтимолий-статистик тасаввурларни шакллантиришнинг индивидуал ва психологик жиҳатларини ҳисобга олиш тамойили; таълим олувчи фаолиятини мақсадли йўналтириш қоидаси; мустақил фикрлашни шакллантириш қоидаси.

Диссертациянинг «**Умумий ўрта таълим мактабларида физика ўқитишда статистик ғоя ва тушунчаларни шакллантириш методикаси**» деб номланган иккинчи бобда модда тузилиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар ва иссиқлик ҳодисалари, молекуляр физика, квант физикаси бўлимларини статистик метод асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган.


Тадқиқот жараёнида физика ўқитишнинг дастлабки босқичида ўрганиладиган модда тузилиши ҳақидаги маълумотлар ва иссиқлик ҳодисаларига тегишли статистик метод асосида талқин қилиш мумкин бўлган тушунчалар ўрганилди.

Жисмларнинг атом ва молекулалардан тузилганлигини яққол кўрсатиб берувчи тажрибалар, Броун ҳаракати, диффузия ҳодисаси тушунчаларини ўқитиш методикаси статистик метод асосида такомиллаштирилди.

Дарсликларда диффузияга қуйидагича таъриф берилади: «Диффузия деб, бир модда молекулаларининг иккинчи модда молекулалари орасига киришувига айтилади». Биз ўтказган тадқиқотларга кўра статистик методни қўллаган ҳолда ушбу таърифни таклиф этдик: «Бир модда молекулаларининг бошқа модда молекулалари билан ўз-ўзидан, тартибсиз ва тўхтовсиз ҳаракати туфайли ўзаро киришишига диффузия ҳодисаси дейилади».

Бу иккала таърифга эътибор берсак, мавжуд адабиётларда диффузия ҳодисасининг нима сабабдан содир бўлиши мавҳум бўлиб қолган, таклиф қилинаётган таърифда «ўз-ўзидан, тартибсиз ва тўхтовсиз ҳаракати туфайли» жумласи киритилди.

Умумий ўрта таълим мактабларида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш ва ривожлантиришда изчиллик принципи асосида ўқитишнинг тизимли дидактик модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида молекуляр ва атом физикасига оид тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик модели

Тадқиқотда бошқа давлатлар билан республикамиздаги физика предметига ажратилган мавзулар мазмун жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинди. Россия Федерацияси умумий ўрта таълим мактаблари дастурига кўра физика-

астрономия ўқув предмети учун 7–9-синфлар ҳамда 10–11-синфларда умумий 374 соат, Ўзбекистонда эса физика ўқув предмети 6-синфдан 11-синфга қадар ўқитилиб, жами 442 соат вақт белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфида, Россия мактабларининг эса 7–8-синфларида ўқитиладиган физика фанида статистик метод асосида ўқитиладиган «Модда тузилиши ҳақида дастлабки маълумотлар», «Иссиқлик ҳодисалари» бўлимлари ўқув материаллари ўзаро таққосланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон ва Россия мактаблари физика курсларидаги «Модда тузилиши ҳақида дастлабки маълумотлар» ва «Иссиқлик ҳодисалари» бўлимлари ўқув материалларининг қиёсий таҳлили

Ўзбекистон Республикаси	Россия Федерацияси
Мавзулар	Мавзулар
<p>Модда тузилиши ҳақида Демокрит, Ар-Розий, Беруний ва Ибн Сино қарашлари. Молекулалар ва уларнинг ўлчамлари. Молекуларнинг ўзаро таъсири ва ҳаракати. Броун ҳаракати. Турли муҳитларда диффузия ҳодисаси. Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларнинг молекуляр тузилиши. Суюқликларда диффузия ҳодисасини ўрганиш.</p> <p>Иссиқликни ҳосил қилувчи манбалар. Иссиқликни қабул қилиш. Жисмларнинг иссиқликдан кенгайиши. Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларда иссиқлик узатилиши. Иссиқлик ўтказувчанлик. Конвекция. Нурланиш. Турмушда ва техникада иссиқлик узатилишидан фойдаланиш. Иссиқлик ҳодисалари ҳақида Форобий, Беруний ва Ибн Сино фикрлари. Температура. Термометрлар. Жисмларнинг температурасини ўлчаш. Термометр ёрдамида ҳаво ва суюқлик температурасини ўлчаш. Ички энергия ва уни ўзгартириш усуллари. Ички ёнув двигателлари. Буғ турбинаси. Реактив двигатель. Иссиқлик машиналари ва табиатни муҳофаза қилиш.</p>	<p>Модда тузилиши. Молекулалар. Броун ҳаракати. Молекулаларнинг ҳаракати. Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларда диффузия. Молекулаларнинг ўзаро таъсири. Модданинг агрегат ҳолати. Қаттиқ жисм, суюқлик ва газларнинг ҳоссалари.</p> <p>Иссиқлик мувозанати. Температура. Ички энергия. Иш ва иссиқлик. Иссиқлик узатиш усуллари. Иссиқлик миқдори. Буғланиш ва конденсация. Қайнаш. Ҳавонинг намлиги. Эриш ва кристалланиш. Иссиқлик жараёнларида энергиянинг сақланиш қонуни. Иссиқлик машиналарида энергияни ўзгартириш. Иссиқлик машиналарининг фойдали иш коэффициенти.</p>

1-жадвалга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон ва Россия умумий ўрта таълим мактабларида модда тузилиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар бўлими учун бир хил – 6 соатлик дарслар режалаштирилган. Мазмуни жиҳатидан мавзулар деярли фарқ қилмайди. Аммо, ушбу дастурларда статистик методдан фойдаланиш бўйича етарлича тақлиф ва тавсиялар берилмаган. Ўқувчиларда модда тузилиши тўғрисидаги дастлабки тасаввурни шакллантириш учун атом ва молекулалар, уларнинг тартибсиз ва тўхтовсиз ҳаракати, ўзаро таъсири, модданинг агрегат ҳолати, босим ва температура каби тушунчаларнинг мазмуни статистик метод асосида такомиллаштирилди ва таълим жараёнига татбиқ этилди.

Физикада статистик методнинг ривожланиш жараёнини, олиб борилган методик тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, физика ўқитишнинг дастлабки давридан ўқувчиларда статистик тасаввурларни шакллантиришга етарли имконият мавжудлиги намоён бўлади. Бу босқичда иссиқлик ҳодисаларини эҳтимолий-статистик тасаввурлар асосида ўрганишда модели тажрибаларга асосланиш лозим ҳамда уларнинг сонини, чегараларини аниқлаш шарт.

Ўқувчиларнинг ёш хусусияти, билим даражаси ва психологик ҳолатини ҳисобга олиб, 6-синфда қуйидаги эҳтимолий-статистик тушунчаларни жорий этишни таклиф қиламиз (2-жадвал):

2-жадвал

Модда тузилиши ҳақидаги таълимотни ўрганишда қўлланиладиган статистик тушунчалар

Т/р	Статистик тушунча	Таърифи
1.	Эҳтимоллик тушунчаси	Бирор воқеа ёки ҳодиса содир бўлишининг сонли тавсифи
2.	Тасодикий ҳодиса	Содир бўлиши мумкин ёки мумкин бўлмаган воқеа ёки ҳодисалар
3.	Муқаррар ҳодиса	Содир бўлиши аниқ бўлган воқеа ёки ҳодиса

Умумий ўрта таълим мактабларида молекуляр физикани статистик метод асосида ўқитишда модели тажрибаларга суяниш мақсадга мувофиқ бўлиб, уни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Ўқувчиларни иссиқлик ҳодисаларининг умумий хосса ва қонуниятларига тааллуқли тажриба натижалари билан таништириш.

2. Маълумотларни молекуляр-кинетик нуқтаи назардан талқин қилиш.

3. Ўрганилаётган ҳодисанинг статистик моделини яратиш.

4. Иссиқлик ҳодисаларига тааллуқли физик катталиқларнинг статистик таснифини очиқ бериш.

5. Кубда жойлашган тартибсиз ҳаракатланаётган N та зарралардан иборат ва мувозанат ҳолатида турган статистик система моделини киритиш ва ундан фойдаланиш.

Ҳозирги кундаги молекуляр физикага тегишли адабиётларни таҳлил қилсак, қуйидаги камчиликларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз:

1. Ўқувчиларнинг молекуляр физикадан олган билимларида механик тасаввурлар молекуляр-кинетик тасаввурлардан устунроқ, чунки дастурда ҳам, адабиётларда ҳам статистик тушунчалар деярли киритилмаган.

2. Табиат ҳодисаларини ўрганишда ишлатиладиган тушунча, қонун ва назарияларнинг қўлланиш чегарасини муҳокама қилинмаслигидир, бу эса ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга салбий таъсир қилади.

Келтирилган камчиликларни ҳисобга олиб, қуйидаги статистик тушунчаларни физика ўқитиш жараёнига киритиш мақсадга мувофиқдир (3-жадвал):

**Молекуляр-кинетик ва квант тасаввурларни шакллантириш учун
статистик тушунчалар**

Т/р	Статистик тушунча	Таъриф
1.	Статистик усул	Кўп сонли зарраларнинг ҳаракат қонуниятларини ўрганишда қўлланиладиган усул.
2.	Статистик қонуният	Кўп сонли заррачалар (атом ва молекулалар)дан ташкил топган системаларнинг хосса ва хусусиятларини акс эттирадиган қонуният.
3.	Эҳтимолликнинг статистик таърифи	Бирор А ҳодисанинг нисбий частотаси $W(A) = \frac{m}{n}$ формула билан аниқланади, бу ерда m – ҳодисанинг рўй бериш сони, n – жами тажрибалар сони. Агар тажриба йўли билан нисбий частота аниқланган бўлса, у ҳолда уни эҳтимолликнинг тақрибий қиймати сифатида олиш мумкин.
4.	Эҳтимолликнинг геометрик таърифи	Агар элементар ҳодисалар фазоси Ω ни текислик ёки фазодаги қандайдир бир соҳа, А ни эса унинг қисм тўплами деб қарайдиган бўлсак, у ҳолда А ҳодисанинг эҳтимоллиги А ва Ω нинг юзалари ёки ҳажмлари нисбатида қаралади ҳамда $P(A) = \frac{S(A)}{S(\Omega)}$ ва $P(A) = \frac{V(A)}{V(\Omega)}$ формулалар бўйича топилади.
5.	Микроҳолат	Системани ташкил қилган молекулаларнинг ихтиёрий вақтдаги ҳолати.
6.	Макроҳолат	Системанинг макроскопик параметрлари (p,V,T) орқали аниқландиган ҳолати.
7.	Радиоактив емирилишнинг статистик таърифи	Радиоактив ядроларни ўзидан бирор зарраларни чиқариб бошқа ядрога айланиш жараёнига радиоактив емирилиш дейилади. Ушбу жараён статистик қонун асосида рўй беради. Ярим емирилиш даври статистик катталиқ, ядронинг емирилиши тасодифий ҳодиса ҳисобланади. Математик жиҳатдан фақат маълум бир атом (ядро)нинг парчаланиши эҳтимоллигини аниқлаш мумкин.
8.	Де Бройл тўлқини	Де Бройл тўлқинлари классик физикадан маълум бўлган электромагнит, эластик ва бошқа турдаги тўлқинларнинг ҳеч бирига ўхшамайди, чунки у табиатига кўра эҳтимолий тавсифга эга. Заррачаларнинг тўлқин хусусиятлари, корпускуляр-тўлқин дуализми фақат фотон учун эмас, балки барча микрообъектлар ва макрообъектлар учун ўринли бўлади.

Ўзбекистон ва Россия умумий ўрта таълим мактабларидаги «Атом ва квант физикаси асослари» бўлими мазмуни дидактиканинг билим беришда билим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш, ўқитишда мумкин қадар кўпроқ кўргазмали қурооллардан фойдаланиш, мунтазамлик ва давомийлик, билим беришни меҳнат жараёни билан қўшиб олиб бориш ёки билимни тушунтиришда ҳаёт билан боғлаш, таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш, таълим-тарбиянинг тизимли ва изчил бўлиши, таълим ва тарбиянинг бирлиги

тамойилларига асосланиб таҳлил қилинди (4-жадвал). Ўқувчиларни ижодий фикрлашга, тадқиқотчиликка йўналтириш мақсадида «iSpring Suite 9» дастури ёрдамида ностандарт тест топшириқлари ишлаб чиқилди ва бу мавзуларни мукамалроқ ўзлаштиришга шароит яратилди.

4-жадвал

Ўзбекистон ва Россия мактаблари физика курсларидаги «Атом квант физикаси асослари» бўлими ўқув материалининг қиёсий таҳлили

Ўзбекистон	Россия
Мавзулар	Мавзулар
<p>Атом тузилиши ҳақида тушунча. Атом ядросининг тузилиши. Протонлар, нейтронлар. Ядро энергияси ҳақида тушунча. Ядро энергиясидан фойдаланиш. Радиациявий авария. Ўзбекистонда ядро физикаси тараққиёти.</p> <p>Квант физикасининг пайдо бўлиши тарихи. Фотоэлектрик эффект. Фотонлар. Фотоннинг импульси. Ёруғлик босими. Фотоэффектнинг техникада қўлланилиши. Атомнинг Бор модели. Бор постулатлари. Лазерлар ва уларнинг турлари. Атом ядросининг таркиби. Боғланиш энергияси. Масса деффекти. Радиоактив нурланишни ва зарраларни қайд қилиш усуллари. Радиоактив емирилиш қонуни. Ядро реакциялари. Силжиш қонуни. Элементар зарралар. Атом энергетикасининг физик асослари. Ядро энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик чоралари. Ўзбекистонда ядро физикаси соҳасидаги тадқиқотлар ва улардан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш.</p>	<p>Радиоактивлик атомнинг мураккаб тузилишининг исботи. Алфа-, бета- ва гамма-нурланиш. Резерфорд тажрибаси. Атомнинг ядровий модели. Радиоактив атом ядросининг ўзгариши. Ядронинг протон-нейтрон модели. Заряд ва масса сони. Ядро реакциялари. Ядро синтези ва бўлиниши. Ядро реакцияларида заряд ва масса сонининг сақланиши. Ядрога зарраларнинг боғланиш энергияси. Ядро синтези ва бўлинишида энергия ажралиши. Юлдузларнинг нурланиши. Ядро энергияси. Атом электростанциялари ишлашидаги экологик муаммолар. Ядро физикасида зарраларни кузатиш ва қайд этиш усуллари. Дозиметрия.</p> <p>Планкнинг квант гипотезаси. Фотоэлектрик эффект. Фотоэффект қонунлари. Фотоэффект учун Эйнштейн тенгламаси. Фотон. Ёруғлик босими. Атом тузилиши моделлари. Резерфорд тажрибаси. Водород чизиқли спектрларини Борнинг квант постулатлари асосида тушунтириш. Атом ядросининг таркиби ва тузилиши. Ядро кучларининг хусусиятлари. Атом ядросининг боғланиш энергияси. Атом ядросининг радиоактив емирилиши. Радиоактив емирилиш қонуни. Ионлашган ядро нурланишининг хоссалари. Нурланиш дозаси. Ядро реакциялари. Ядро бўлинишининг занжир реакцияси. Ядро энергетикаси. Термоядровий синтез. Элементар зарралар. Фундаментал ўзаро таъсирлар.</p>

Ўзбекистонда атом ва ядро физикаси асослари учун 9-синфда 6 соат, Россияда эса 14 соат ажратилган. Ўзбекистонда 11-синфда атом ва ядро физикаси, атом энергетикасининг физик асосларига 12 соат, квант физикаси учун 4 соат, жами 16 соат, Россияда 23 соат дарс режалаштирилган.

Атом ва квант физикаси бўлимларидаги қуйидаги мавзулар мазмуни статистик тушунчалар асосида такомиллаштирилди: ёруғликнинг элементар квант назарияси, атомнинг тузилиш моделлари (Томсон, Резерфорд (планетар модель), Резерфорд-Бор модели), α – заррачаларининг моддаларда сочилишини ўрганиш бўйича Резерфорд тажрибалари, атомларнинг спектрлари, спектрал сериялар (Лайман, Бальмер сериялари) учун умумлашган формула,

Бор постулатлари, водород атоми учун Бор назарияси, Де-Бройл тўлқини ва корпускуляр-тўлқин дуализми, фикрий экспериментлар.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш**» номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларнинг таҳлили ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Педагогик тадқиқот ишларини амалиётга татбиқ этиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлашда тажриба-синов ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади ҳамда бажарилган тадқиқот ишининг самарадорлигини кўрсатиб беради.

Тадқиқот доирасида умумий ўрта таълим мактабларида физик тушунчаларни статистик метод асосида шакллантириш самарадорлигини таъминлашда интерфаол усуллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этди. Натижада ўқувчиларда молекуляр ва квант физикага тегишли тасаввурларнинг шакллантирилиши даражасини таъминловчи илмий-методик материаллар асосида методик қўлланма, тавсиянома ва ишланмалар тайёрланди ва таълим жараёнига татбиқ этилди. Ўқувчилар билимларини назорат қилишда тест синовларидан, ёзма синов ишлари, оғзаки савол-жавоб методларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари учта, таъкидловчи (2015–2016 йй.), шакллантирувчи (2016–2017 йй.), яқунловчи (2017–2018 йй.) босқичлардан иборат бўлиб, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 51-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 2-сонли умумтаълим мактаби, Наманган вилояти Поп тумани 66-сонли умумий ўрта таълим мактаби ва Тошкент вилояти Бўка тумани 4-сонли умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилди.

Ўқувчиларга берилган савол ва топшириқларга берилган жавобларга кўра, физик тушунчаларнинг статистик метод асосида шаклланганлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги мезонлар таклиф қилинди:

Аъло (5 баҳо): микрообъектлар, уларнинг ҳаракат қонуниятлари ҳақида етарли тасаввурга эга, статистик қонуниятларнинг моҳиятини тушуниб, айтиб бера олади, физик тушунча, қонуниятларни ўрганишда термодинамик, механик усуллар билан бир қаторда статистик усулдан амалда фойдалана олади, мустақил мушоҳада юритиб, ижодий фикрлаб, хулоса қабул қила олади, масалалар ҳамда мустақил ишларни бажара олади.

Яхши (4 баҳо): микрообъектлар, уларнинг ҳаракат қонуниятлари ҳақида тасаввурга эга, статистик қонуниятларнинг моҳиятини тўлиқ англаб етган, физик тушунча, қонуниятларни ўрганишда статистик усулни амалда қўллай олади, мустақил мушоҳада юрита олмайди.

Қониқарли (3 баҳо): микроразрларнинг ҳаракат қонуниятлари ҳақида тасаввурга эга, статистик қонуниятларнинг моҳиятини тушуниб, айтиб бера олади, физик тушунча, қонуниятларни ўрганишда статистик усулдан фойдаланишни билмайди, мустақил мушоҳада юрита олмайди.

